



ИШОНЧ

15

1992
йил
13 апрель
(54)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЮЗ САТР ДИЛ СЎЗИ

КЎП ОҒИЗ БИР БЎЛСА...

Автобусага чиқдим. Бўш ўриндиққа ўтириб, қаршимдаги икки йигитга салом бердим. Улар алик олишдим, олишмадим — пайқай олмадим. Бир савлатли, хушбичим, иккинчиси қотмароқ бу йигитларнинг ёши нари борса йигирма бешда, яъни менинг ўғлимдан ҳам ёшроқ. Улар рўпарамда ўтиришгани учун (ўриндиқлар шунақа экан) ҳар бир қилиги менга аниқ кўришиб турди.

Навбатдаги бекатда бир қиз чиқди. Жой йўқлигидан у қиз бизга тескари ўғирлиб тик турарди. Рўпарамдаги савлатли йигит ўнинг орқасидан тикилар экан, деди:

— Оёқларини қара, оёқларини...

У яна шундай бир гапни айтдики, бундай беҳаёликдан мен уялиб кетдим. Индамай ўтиришнинг ҳам иложи бўлмади. Танбех берай десам, фойдаси йўқдай туюлди. Бу сурбет йигит «Бор, ишингни қил!» ёки «Сенинг ишинг нима?» деб йўдағайлашига, ҳатто мушт кўтаришига ишондим. Ноилож эдим. Ниҳоят, мулойимгина сўрадим:

— Уйланмаганмисиз, ўғлим?

— Аёлларга ёмон кўз билан қараяпсиз-да.

— Кўз шунинг учун берилган, отам. Эркакмиз-да, — деди у мағрурона. Менинг тилим қичиди:

— Эркак дегани сурбет дегани эмас-ку, ўғлим.

— Э, жўна! — деб юборди йигит менга, — сенга қанақа ўғил бўламан? Ҳе, сендақа отани!

— Агар ўзингизга эп кўрсангиз, у ёғини ҳам айтаверинг. Лекин шуни билингики, биз катта ёшдаги одамларнинг бурчимиз сиздайларга насиҳат қилиш. Қулоқларингга олсаларинг, оталарингга раҳмат. Олмасаларинг, ихтиёр ўзларингда...

— Бас қилинг, жаҳлимни чиқараяпсиз! — деди йигит туюқиб. Мен паст келдим:

— Ҳўп, ўғлим.

— Э, қанақа отасан менга!

— Ҳа, ҳа, етти ёт бегонасиз Кечирасиз, билмабман.

Бу машамшани ёшлар, катта ёшдаги одамлар ҳам эшитиб туришди. Бироқ улар на менга, на уларга бир нима дейишди.

Ишдан кейин уйга қайтаётганимда худди буюртма қилингандай яна ўшанақа ўриндиққа ўтириб қолдим. Рўпарамда бир ёш аёл, ёнида ўттиз ёшлар чамасидаги бир йигит. Автобус юрмасданоқ шу йигит «Ҳаҳ туф» деди-да оёқлари орасига тупурди. Мен унга мағноли қараб қўйдим. Ҳаял ўтмай бу қилигини яна такрорлади. Учинчи тупурганида чидаб туролмадим. Асабим тарангашганидан қалтироқ босди мени. Лекин ўзимни зўрга босиб, мулойимгина сўрадим:

— Тишингиз оғрияптим, ука?

— Йўқ, — деди йигит ва яна тупурди.

— Одамлар кўп жойда тупуриш, бурун қоқиш одобдан эмас, — дедим мен яна бояги мулойимлик билан.

— Учасковомисиз! — деди йигит аччиқланиб.

— Сизди ишиз нима? — гапга аралашди ёнидаги аёл. Афтидан у анави йигитнинг хотини эди. Мен кулиб қўяқолдим. Ҳар иккаласига ҳам берадиган жавобларим бор. Лекин уларнинг гап уқмаслигини тушундим. Яна бир нарса десам, орада жанжал чиқиши турган гап эди. Бу сафар ҳам ҳеч ким гапга аралашмади.

Автобустан тушар эканман, энди ҳар хил майда-чуйдаларга, одоб бузилишларга бефарқ бўлақолай, барибир, ҳеч ким «тўғри айтаяпсиз» демайди деган фикрга келдим. Бироқ дарров бу фикрдан қайтдим. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари ёдимга тушди. Унда ножўй иш қилиб турган кишининг ёнидан индамай ўтиш ҳам гуноҳ дейилганини эсладим. Ахир биз нима учун одамиз деб бош кўтариб юрибмиз. Агар тўғрини тўғри, эгини эгри демасак, яхшиларни рағбатлантириб, ёмонларга танбех бермасак, одамлигимиз қайда қолди!

Ота-онага раҳмат олиб берадиган ҳам фарзанд, лаънат олиб берадиган ҳам. Шундай экан, э биродарлар, э банди мўминлар, нега бепарво бўламиз. Ёшларга нисбатан лоқайд бўлмайлик. Халқимизда «Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз йўқ бўлур» деган мақол бор. Бунинг мағноси шуки, одобсизликка, маданиятсизликка, такаббуриликка қарши кўпчилик бўлиб қурашсак, енгамиз.

Султон САМИНОВ.

«ИШОНЧ» ФОНДИГА

«Ишонч»ни моддий томондан қўллаб-қувватлашга аҳд қилган хинматли жамоалар ва газетхонлар сони ортиб бормокда.

«Ишонч» газетаси таҳрир хайъати аъзолари Шабот Хўжаев, Дилбар Гуломова, газета фаоли Алишер Таксанов ҳамда мухбиримиз Замира Рўзиевалар газетанинг 14-сонидан чиққан мақолалари қалам ҳақларини муҳарририят фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Газетхонлар учун газета ҳисоб варақасини эслатиб ўтамиз:

● Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат, дехқончилик банкидаги 000363601 — ҳисоб варақаси «Ишонч» газетасига тегишли, Банк коди 17268403.



Термиздаги Ойбек номли муаллимлар олийгоҳи база-сида давлат дорилфунуни очилди.

Бу йил дорилфунунда тўртта янги факультет ташкил қилинади. Бунинг учун тайёргарлик қизғин бораётир. Та-лабалар билимини янада мустаҳкамлаш учун ўқув аудитор-иялари ва моддий-техника аҳволини яхшилашга эътибор катта бўлаётир.

Суратда: ҳисоблаш техникаси кафедрасининг дисплей синфида Очилди Саодатов амалий машғулот олиб бора-ётир.

Суратқаш: И. ХЎЖАЕВ, (ЎЗА).

Хабарлар мағзи

сўнг «Правда» газетаси чиқа бошлади.

● СОЧИ прокуратураси МДХ қуроли кучларида хизмат қилишдан бўйин товлаб юрган йигитларга нисбатан 14 та жиноий иш кўзгади. Лекин ҳали МДХда ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаганлик учун қандай жазо берилиши тўғрисида қонун чиқмаган.



● АМЕРИКА кашф этилган-лигининг 500 йиллиги муносабати билан яқинда Чехословакияда «Колумб-92» тадбири ўтказилади. Бундан мақсад бир вақтлар Америкадан Колумб келтирган ва жуда кўп одамларни ашаддий кашандага айлантириб, умрини қисқартирган тамаки япроқларини рамзий равишда ватанига қайтариш ҳамда тантанали ра-вишда ёкиб юборишдир.

● УЧ ҳафталик танаффусдан

МИННАТДОРМИЗ

«Ишонч» газетаси чиқа бошлаганига бир йил тўлиши муносабати билан муҳарририят ижодий жамоаси тузаган камтарона дастурхон атрофида бир чўким ош еб, бир чойнақдан чой ичиб шодлигимизни бирга баҳам кўрган ҳамкасбларимизга, дил сўзларини изҳор этган биродарларимизга раҳматлар бўлсин.

Дилга тугиб қўйган нияти-

мизнинг рўёбга чиқишига турли соҳа кишилари бизга мадакор бўлдилар. Халқ севган ҳофизлар Очилхон Отахонов, Ҳасан Ражабий, Қомилжон Баратов, Ҳотам Ҳожиев, бастакор Маҳаммад-жон Мараҳимов ўз бисотларидаги энг ноёб қўшиқларини бахшида этиб чўккан кўнгилларни тоғдек кўтардилар. Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 6-ош-

БОР ИМКОНИЯТ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА

ТОШКЕНТ вилояти қасаба уюшмалари Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги пленумида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишда қасаба уюшмалари ташкилотларининг роли ва ўрни масаласи кенг муҳокама қилинди. Маърузачи — вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Д. Н. Жаҳонгирова ҳамда муҳокама қатнашчилари таъкидлаганидек, нарх-навонинг кескин ошаётганлиги туфайли меҳнаткашлар турмуш даражасининг тубанлашаётганлиги, пулнинг кадрсизлангани озиқ-овқат маҳсулотларининг, амалда эса барча турдаги истеъмол молларининг тақчил бўлиб бораётганлиги қасаба уюшмаларини қаттиқ ташвишга солапти.

Лекин шунга қарамай рўй берган кийин аҳволдан чиқиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун қасаба уюшмалари, унинг жойлардаги органлари қўлидан келган барча имкониятларни ишга солмоқдалар, меҳнат аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Пленум қатнашчилари авж олаётган ишсизликни жиловлаш, иш ҳақини ошириш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ишбилармонликни ривожлантириш билан даромадни оширишга қаратилган долзарб ҳаётини муаммоларни таҳлил этдилар, бу соҳадаги дастлабки тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Пленумда бир қатор ташкилий масалалар ҳам қараб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Т. Алимов,
«Ишонч» муҳбири.

хона директори Мирзаахмад Мирпўлатов, «Мовий гумбаз» кафеси ишлаб чиқарувчи му-дири Наримон Пўлатов, уста ошпаз Бахтиёр Шоазизов каби ҳамиятли кишилар юбилей тадбиримизнинг файзли ва кўнгилли ўтишига пийсабилло ҳисса қўшдилар. Атрофимизда шундай саҳий қалбли кишилар борлигига шуқурлар айтаемиз ва уларга дил ташаққурини изҳор эта-миз.

«Ишонч» газетаси
муҳарририяти жамоаси.



Номозбой ҳақиқат синмаслигига ишонар эди. Лекин энди фикри ўзгарди. Замона зўриқи, деган гап тўғрига ўхшайди. Чунки у бир бечора йигит, рақиблари эса пуф деб тегирмон тошини жойидан қўзгатадиганлар хилдан. Шундай бўлмаганида жабрланган Номозбой жиноятчи сифатида суднинг қора курсисига ўтириб, жиноятчиларнинг айби беркитилармиди.

1991 йил октябрида Номозбой Қандавлетовнинг ҳимоячиси А. Авалбоев Ўзбекистон республикаси прокуратураси тергов бўлими бошлигининг ўринбосари У. К. Мусабоевдан хат олди. Хатда шундай дейилади: «Сизнинг СССР прокуратурасига юборган аризангиз кўриб чиқилди. Ахилбеков ва Жўрабековларга нисбатан Октябрь район прокуратураси томонидан Ўзбекистон жиноят-процессуал кодексининг 5-модда 2-банди қўлланилганлиги асосли деб топилди. Бу қарорни бекор қилиш учун асос йўқ, чунки суд-медицина экспертизасининг хулосасига қўра, А. Қандавлетовга 1984 йилда етказилган жароҳат енгил бўлиб, соғлигига зарар етмаган. Қандавлетовнинг турли даволаш муассасаларида даволашни унга етказилган енгил тан жароҳати билан алоқадор эмас».

Ўртоқ Мусабоев эътибори учун аввало шуни айтиб қўймоқчимиз: ҳимояга муҳтож киши А. Қандавлетов эмас, Н. Қандавлетов. Прокурор, айниқса, Республика прокуратурасида ишловчи нуфузли ходим учун кичик бир хато ҳам номуносибдир. Бунинг устига Номозбой Қандавлетов Ахилбеков билан Жўрабеков томонидан олинган тан жароҳати сабабли 2 майдан 23 майгача касалхонада ётган. У мия чайқалишидан ташқари бурун суяги қийшайиб, нафас олиши кийинлашиб қолган, ковуғи ёрилган, кўкрак қафаси жароҳатланган. Бироқ Пахтакор район суд-медицина эксперти М. Муталипов томонидан берилган ноҳолис хулоса туфайли жароҳатлари соғлигига зарар келтирмайдиган енгил деб ҳисоблаётган. Н. Қандавлетовни калтаклаётганида ўрта бармоғи салгина жароҳатланган Асан Ахилбеков эса соғлигига зарар келтирган енгил тан жароҳати етказилган деб топилган.

Қонун ҳуқуқшуносларнинг қўлида худди боғча тарбиячиси қўлидаги пластилинга ўхшаб турли шакл ва мазмун касб этаверар экан. Бунинг исботини Октябрь район прокуратурасида ҳам кўриш мумкин. Албатта, бу фикр ҳозирги прокурор ва унинг бошқа ходимларига тааллуқли эмас, чунки улар бу ерга яқиндагина ишга келишган. Лекин собиқ прокурор Н. Исломов (бу киши ҳозир вилоят прокурорининг ўринбосари) билан терговчи З. Эшимов А. Ахилбеков ва Қ. Жўрабековлар ишини пластиндиндай осонгина ййлаб, ўзлари хоҳлаган шаклга солишди. Кейинчалик эса уларнинг ишини терговчи Ж. Сидиков давом эттириб, тахминлар, асосланмаган далиллар туфайли Ахилбеков ва Жўрабековларнинг жиноятини юмшатишга, Қандавлетовнинг жабрланиш даражасини камайтиришга муваффақ бўлди. Мана энди бу икки жангари мутлақо оппоқ, айбсиз деб топилибди.

Мен ҳуқуқшунос эмасман. Лекин беш жилдан иборат жиноий иш билан озроккина танишининг ўзи 1984 йилдан то 1991 йилгача ҳамма босқичларда терговлар бирёклама, ноҳолис ўтказилганига халқ судлари ва вилоят суди жиноий ишлар коллегиясининг бир эмас, икки эмас, тўрт маротаба чиқарган ажрими талаблари бажарилмаганига ишонч ҳосил қилдим. Жабрланувчи ва унинг гувоҳлари билан ўтказилган суҳбатлар, суд ҳукмлари ва ажримлари, айблаш фикрлари билан танишиш чоғида эса жиноий иш асосан Ахилбеков билан Жўрабековни оқлаб юборишни, Қандавлетов бўйнига эса катта айб ортишни мўлжаллаб олиб борилган, деган хулосага келдим. Бунда, эҳтимол, Ахилбековнинг туғишган акаси Октябрь районидagi йирик давлат хўжа-

ликларидан бирининг директори экани, милиция ходими Қарсидой Жўрабеков эса Асан Ахилбековнинг дўсти бўлганлиги роль ўйнагандир.

Агар ҳамма босқичдаги, аввало, 1984 йилдаги терговда бирёкламликка йўл қўйилмай, ҳамма гувоҳлар ва барча ҳолатлар синчиқлаб ўрганилганида, 1984 йил 30 апрель кунги ходиса кизлар масаласида келиб чиққанлиги, бу воқеада Номозбойнинг айби йўқлиги аён бўлар эди. Буни профессионал ҳуқуқшунослар эътибордан кочиришган (ёки атайлаб ташлаб кетишган) бўлса ҳам биз ундан

судининг раиси А. Ф. Каримов (бу киши автоавариядан ҳалок бўлибдилар, жойлари жаннатда бўлсин) ҳар икки томонга чинакам иңсоний муносабатда бўлиб, адолатни тиклади. У Қандавлетовни мутлақо айбсиз топди, Ахилбеков икки ярим йилга, Жўрабеков эса уч йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этилди.

Шу ҳукм билан адолат тикланган эди. Бироқ Ахилбеков ва Жўрабеков томон жим ётмади. Бу икки шахс суд ҳукмидан норози бўлиб вилоят судига мурожаат қилди. Улар собиқ СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги суд-медицина экспертизасига ҳам мурожаат қилган эдилар. У ердан профессор А. П. Громов имзоси билан 1987 йил 21 декабрида ёзилган 1970/ Д рақамли хат келди. Бу хатда Жиззах вилоятида ўтказилган экспертиза ҳам, Тошкентлагиси ҳам шубҳа туғдиради, деб

воқеани 1986 йил охири ва 1987 йил бошларида «текшириб», Пахтакор район касалхонаси врачлари Хусанбой Мирзаевдан кўргазма олди. Унда айтилишича, врач Қандавлетовни 1984 йил 4 апрель куни кўрганида бурун суяги қийшайганини аниқлаган эмиш. Номозбой эса терговчининг юзлаштириш протоколидаги бу тухматга норозилик билдириб, унга қўл қўймади.

Шундан кейин Ж. Сидиков қўшимча далил излади ва шу касалхона врачлари Холмат Хошимовни топди. Бу врач мана бундай кўргазма берди: «Қандавлетовнинг гапига қараганда, уни Еттисойда бир гуруҳ таниш йигитлар урган экан». Гапнинг қаёққа бораётганига эътибор беринг, терговчи бурун жароҳатини ўз қолипи билан ўлчаб, тахминлар билан бўлса ҳам «исботлаб» олиши керак-да.

Борди-ю Номозбой Еттисойда калтак еган бўлса, Ж. Сидиков нега бу ҳолатни текширмади? Нега айбдорларни топишга ҳаракат қилиб кўрмади? Бу саволлар устида келгусида Жиззах вилоят прокуратураси бош котиради деб ўйлаймиз.

Тергов органларининг Ахилбеков ва Жўрабековларга ён босавериши шунга олиб келдики, илгари терговда ва судда рост гапни гапирган Инап-паз Тайманов (бу киши олий маълумотли муаллим) сингари баъзи бир гувоҳлар кейинги тергов ва судларда мутлақо бошқача кўргазма бердилар.

Энди энг муҳим далилга келамиз. Н. Қандавлетов 1984 йил март ва апрель ойларида Пахтакор район касалхонаси ва Жиззах вилоят консултация берувчи поликлиникаси кулоқ-томоқ-бурун врачларига учрашиб, улардан маслаҳатлар олган. Шу учрашишларда унинг бурун шамоллаши касали аниқланган, суяк синиши ҳақида гап йўқ. Чунки у пайтда бурун суяги соғ бўлган. Кейинги консултацияда эса бурун шамоллаши ҳам тузалганлиги айтилган. Бир бахтли тасодиф билан бу консултациялар ҳужжатлари сақланиб қолган. Вилоятнинг баъзи бир тиббиёт ходимлари эса бундан беҳабар «бизда ҳужжатлар сақланиб қолмаган» ёки «Қандавлетов бизга мурожаат қилмаган» қабилида жавоблар бераверишган.

Хўш, терговчи Ж. Сидиков-чи? 1986 йил 25 октябрда у Асан Ахилбековдан Октябрь район прокурорига ёзилган аризани қабул қилиб олган. Унда шундай гап бор: «Бизнинг можарогача (30 апрелгача демокчи — С. С.) Қандавлетов 1984 йил мартда менинг уйимга келиб, Еттисойга кизлар билан гаплашишга борганида, тўрт нафар йигит урганни айтган эди. Бурун суяги ўшанда синган бўлса керак».

Энди савол туғилади. Асан Ахилбеков нима сабабдан бу гапни 1984 йил майдан 1986 йил октябрига қадар айтмасдан сақлаб юрган экан? Ахир унинг аризасида кўрсатилишича Номозбой «калтак» еганини 1984 йил мартда «айтган» экан-ку?! Тухмат ҳам эви билан-да!

Ахилбеков ва Жўрабековларнинг оқланиши масаласига келсак, бу иш худди оқни қора, қорани оқ деб зўрма-зўраки ҳукм чиқаришдан бошқа нарса эмас. Бу фикрни мана бу далил ҳам исботлайди: бу икки зўравон Н. Қандавлетовни 30 апрель куни калтаклаб, ҳушидан кетгани ҳолда ташлаб кетишга ҳам қоникниш ҳосил қилмай, 1 май эрталаб Номозбой Қандавлетовнинг уйига босқинчиларча бостириб бориб, яна калтаклашди. Ана шундай кишилар ҳеч қандай айби йўқ, деб оқлаб юборилган. Оқибатда Қарсидой Жўрабеков яна ички ишлар бўлимига ишга тикланган.

НЕГА КОРАНИ ОК ДЕЙСИЗ?

кўз юмолмаймиз.

Ўша куни Октябрь районидagi Тимирязев номли давлат хўжалигида яшовчи Нурлан Таймановнинг уйига икки нафар киз меҳмон бўлиб келишди. Бўйдоқ Қарсидой Жўрабеков ўртоғи Асан Ахилбеков билан бирга шу томон йўл олаётганида, Қарсидой ўзига ўхшаш бўйдоқ ўртоғи Номозбой Қандавлетовни ҳам Таймановнинг уйига таклиф қилди. Номозбой уйда бўлмагани сабабли бу чорловни ўз акаси Абдурахмондан эшитиб, кечкиброк бўлса ҳам Таймановнинг уйига боради. Хонада кизлар ва йигитлар дастурхон атрофида ўтиришган экан. Номозбой кириши билан Қарсидой унга ароқ узатади, ўзи эса ичмайди. Шунда Номозбой бир хўплаб пиёлани ерга қўяди. Қарсидой ич деб кистайди. Номозбой эса унинг гапини рад этади. Қизларни хурмат қилмайсан, деб хафа бўлади Қарсидой. Номозбой эса «хурмат ароқ билан ўлчанмайди» деб жавоб беради. Шу гапдан кейин кизлар Номозбой билан яхши суҳбатлашиб ўтиришади, Қарсидой эса камгап бўлиб қолади.

Учовлари ҳам ўринларидан турадилар. Йўлда Қарсидой Номозбойга «сен нега келдинг?» деб сўрайди. Номозбой «ўзинг чакиртирдинг-ку», дейиши билан «сен итни ким чакирарди» деган гапни эшитишда ва чап кўзи билан бурун аралаш мушт тушишидан эсанкираб қолади. Шунда Асан бошига мушт туширади, сўнг ковуғига телиб ерга йиқитади. Ҳушидан кетган Номозбойни улар яна қанча урганлиги номаълум. Агар эксперт М. Муталипов холис бўлганида, буни аниқлаб берарди. Бироқ у Номозбойни текшириб кўрмасдан, бор кетавер дейди.

Номозбойни 204-модданинг 2-банди билан айблаб, ашаддий безори сифатида жазолашга ҳаракат қилиб кўришди. Хайриятки, Жиззах шаҳар

кўрсатилган эди. Вилоят суди худди шу тахминга амал қилиб, Жиззах шаҳар судининг ҳукмини бекор қилди. Шу билан Қандавлетов учун ҳамма йўллар беркилиб, Ахилбеков ва Жўрабековларнинг оқланиши учун кенг йўл очилди.

Номозбой Қандавлетов ҳам жим турмади. У ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун курашди. Шу мақсадда кўпдан-кўп юқори ташкилотларга хат ва аризалар ёзди. Бироқ бу аризалар Москвадан Тошкентга, Тошкентдан Жиззахга, Жиззахдан Октябрь районига юборилиб, жабрланувчи бир-биридан фарқ қилмайдиган, қолиплаган жавобларни олаверди.

«Ишонч» муҳарририятига Н. Қандавлетов томонидан ёзилган хатни текшириш жараёнида биз Ахилбеков ва Жўрабековларнинг айбдорлигини тасдиқловчи баъзи бир далилларга дуч келдик. Номозбойнинг боши шамоллаб, бурун битиб қолар эди. Шу сабабли 1984 йил мартда Пахтакор район касалхонасида ётиб даволанди. Врачлар унга «сухой ренит» деган диагнозини қўйдилар. 1987 йилга келиб, жиноий иш терговчи Ж. Сидиков қўлига тушганда, бу диагноз нима сабабдандир ўзгариб, «Искривление носовой перегородки» (бурун тешиклари ажратиб турувчи суякнинг қийшайиши)га айланиб қолди.

Янги «диагноз» 1984 йил 30 апрелдан олдинроқ мавжуд эди, деган фикрни тасдиқлаб, Номозбойнинг бурун қийшайиши туғма ёки калтакланишдан олдинроқ юз берган, деб исботлаш зарур эди. Ж. Сидиков шунга енг шимариб киришди ва 1984 йилги

Эндиги гап Жиззах вилоят прокуратурасига ҳавола. Бу нуфузли идора адолатни тиклайдими ёки қора яна оқ дейилиб, ҳақ одамни виждон азобида қийнайдиган ноҳолис жавоб юборадими — муҳарририят сабр-тоқат билан охирини кутади.

Саминжон СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонун чиқариш ташаббуси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўлими маслаҳатчиси О. Н. Заволунов жавоб беради.

1947 йили касаллигим туфайли врачларнинг тавсияси билан қишлоқ хўжалик соҳасига ишга ўтиб ишлашга мажбур бўлдим. Ҳозир «Шўрўзак» давлат хўжалигида 9 йилдан бўён кадрлар бўлими бошлиғиман. Республика Президентини фармонида мувофиқ ўқитувчиларга берилган иттиҳотлардан мен ҳам фойдаланишим мумкинми?

Ҳамро ҲОЖИЕВ,
Сирдарё вилояти, Ворошилов райони.

Кадрлар бўлимидаги 9 йиллик иш стажингиз муаллимлик стажига кирмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрь фармони мактабларда ишлаб турган ўқитувчиларга, шунингдек илгари мактаб муаллими бўлган ва энди пенсияга чиққан шахсларга тааллуқлидир. Аммо уларнинг муаллимлик иш стажига камида 10 йил бўлиши керак.

Ўқитувчиларга бериладиган имтиҳонлардан сиз пенсияга чиққанингиздан кейин фойдаланишингиз мумкин бўлади.

Биз тоғли жойда яшаймиз. Аёлларимизга меҳнат қиладиган жой йўқ, улар ишсизлик нафақаси ҳам олишмайди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ишсизларга бериладиган тошон пулини улар ҳам олишга ҳақлими?

Раҳматали ҚОРАЕВ,
Сурхондарё вилояти Сарисийё районидаги «Ленинград» қишлоқ шўросининг меҳнат йўриқчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 25 мартда тасдиқлаган ишсиз аҳолини социал ҳимоялаш тўғрисидаги муваққат низомга мувофиқ, меҳнат қилиши мумкин бўлган ёшдаги фуқаролар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишсиз юрган, маош (меҳнат даромади) олмайётган бўлсалар, ишга жойлаштириш идораларида меҳнат қила оладиган ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган бўлиб, шу идоралар унга иш таклиф қилмаган бўлса, уларга 60 сўм миқдорда нафақа тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 13 январдаги қарорига биноан юқоридаги қарорнинг амал қилиш муддати 1992 йил 1 июлгача узайтирилган. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 1 июлда жорий этиладиган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда ишсизлик нафақасининг янги миқдори кўзда тутилган.

Қиш ойларида далаларда асосан иш бўлмайди, шунинг учун колхозчилар иш ҳақи олмайдилар. Уларга бу вақт учун купонлар қай тартибда ва қачон тўланади?

Б. Қодиров,
Жиззах вилояти, Бахмал районидаги «Гулбулоқ» давлат хўжалиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини ҳимоялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалигида ишловчи ва узил-кесил иш ҳақини йиллик иш якунларига қараб оладиган ходимларга купонлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорда берилди. Купонлар ҳар ойнинг 16 числасига қадар берилиши керак.

Мен Самарқанд вилояти Норнай районидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги болалар боғчасида ишлайман. Бетоблигим туфайли ҳар йили «Луначарское» санаторийсидан курсовка-йўлланма билан даволанаман. 1990 йилда санаторийдан сотиб олган курсовка-йўлланма қийматининг 70 фоизини, яъни 120 сўмини давлат хўжалиги тўлади. Лекин 1991 йилда курсовка-йўлланмани 497 сўмга сотиб олдим. Шу йилдан йўлланмалар нархи ошган экан. Энди менга шу 497 сўмнинг 70 фоизи бериладими ёки аввалгидек 120 сўмдан ошмаслик шартли сақланиб қоладими?

Розия Абдуллаева,
Норнай райони,
«Октябрь» жамоа хўжалиги.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 21 ноябрдаги 12—11 сонли қарори билан республика касаба уюшмаси ташкилотларига ишчи, колхозчи ва хизматчилар санаторий ва курортларда даволаниш учун мустақил равишда сотиб олган йўлланма (курсовка)лар ҳақини 480 сўмдан ошмайдиган миқдорда қисман тўлашга рухсат берилган.

Меҳнатқашлар мустақил равишда сотиб олган йўлланмалар ҳақини қисман тўлашда касаба уюшмасининг социал суғуртма жамғармасидаги соғломлаштириш ва дам олиш учун мўлжалланган маблағлари қанчалигига қаралади ҳамда бунда санаторий-курорт дастурлари билан йўлланма (курсовка) сотиб олингани ва ундан фойдаланилгани тўғрисидаги ҳужжат асос бўлади.

Бироқ бундай моддий ёрдам меҳнатқашларга уч йилда бир марта, улар шу давр мобайнида бирор марта ҳам касаба уюшма қўмитасидан даволаниш ёки дам олиш учун йўлланма (курсовка) олмаган тақдирдагина берилди.

Саволларга ҳуқуқшунос Абдужалил Ҳасанов жавоб беради

Мен тўқимачилик комбинатида ишлаб, кечки олий билимгоҳда ўқийман. Бизга ўхшаган талабалар учун имтиҳонлар топшириш вақтида қўшимча таътил учун ҳақ қандай миқдорда тўланади?

А. Назаров, Тошкент шаҳри.

Агар авваллари кечки, сиртки олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган ишчи-хизматчилар имтиҳон топшириш, лаборатория ишларини бажариш, диплом ҳимоя қилиш учун қўшимча таътил олганларида ҳақ олийгоҳ талабалари учун ўртача ойлик иш ҳақидан (100 сўмдан) ошмаслиги, ўрта махсус ўқув юртлари учун 80 сўмдан ошмаслиги шартли билан тўланган бўлса, эндиликда бу чеклашлар бекор қилинди. Ҳозир ишчи ва хизматчи талабаларга 12 ой ҳисобидан олинган ўртача ойлик юзасидан иш ҳақи тўланади.

Мен 30 йил мобайнида ўқитувчилик қилиб 60 ёшимда қарилик пенсиясига чиқдим. Лекин ҳозирги даврга қадар оилам билан давлат уйида яшаб келмоқдаман. Уйни номимга бепул ўтказиш ҳақидаги қонун — менга ҳам тааллуқлими?

А. Зокиров,
Наримонов райони.

Ҳа, таъсир қилади. 1991 йил 1 январдан эътиборан Президент фармонида мувофиқ ўқитувчилар учун бир қатор имтиҳонлар яратилди. Улар жумласига уйларни, хонадонларни ўқитувчилар номига бепул ўтказиш,

турар жой ҳақини имтиёзли тўлаш, коммунал хизматлар, яъни шаҳарда истиқомат қилувчи ўқитувчи хонадон ҳақи, газ, сув тармоғи, электр қувватидан фойдаланганлиги учун 50 фоизга камайтирилган ҳақ тўлайди. Бундай имтиёзлар хонадонларни ижарага ёлловчи ёки ўша хонадон эгаси бўлиши бўлмаслигидан қатъий назар ўқитувчи учун тааллуқлидир. Агар қарилик пенсиясига чиққанлар 10 йилдан кам бўлмаган ўқитувчилик стажига эга бўлсалар, улар ҳам юқорида кўрсатилган имтиёзлардан фойдалана оладилар.

Мен комбинатда жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келганман. Авваллари кўнгилли халқ дружиначилари ва ўт ўчирувчиларга 3 кунлик қўшимча таътил берилар эди. Ҳозир эса жамоатчиларга бундай қўшимча берилмас эмиш. Шу тўғрими?

П. Файзиев,
Тошкент шаҳри.

Ҳа, тўғри. Собиқ СССР Министрлар Советининг 1987 йил 12 мартдаги (ҳозир ҳам амалда) қарорига биноан жамоат тинчилигини сақлашга қаратилган кўнгилли халқ дружинаси аъзолари, кўнгилли ўт ўчирувчи ва газдан сақланиш дружиначилари, ўртоқлик судларининг аъзолари, халқ назоратчилари жамоат ишларида қатнашиб жамоат топшириқларини бажарганликлари учун бериладиган қўшимча таътил кунларини бериш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган.

Демак, бу қонун сизга ҳам тааллуқлидир.

Бухоро вилояти Конимех район газетасининг ходими М. Азизова бизга қуйидаги саволларни юборибди.

1. 1992 йил 1 январдан бошлаб район газетасининг ўзбек тилида чиқадиган саҳифаси қисқарди. Шунингдек район радиоси ҳам бутунлай ёпиб қўйилди. Шу тўғрими? Бу давлат тили тўғрисидаги қонунга зид эмасми?

2. Ойда 2 марта чиқадиган газетанингни ўзбек тили саҳифасига жавоб берилган ҳам мухбирлик, ҳам корректорлик, ҳам навбатчилик қиладиган олий маълумотли журналистнинг ойлиги қанча бўлади?

3. Қалам ҳақи (гонорар) алоҳида тўланадими ёки ойлик маошга қўшиб тўланса ҳам бўладими?

Ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси матбуот қўмитасининг иқтисодий режалаштириш ва молия бошқармаси бошлиғи Э. Зокиров жавоб беради.

1. Ўзбекистон республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига асосан газеталарнинг тили, даврийлиги ва бошқа масалаларни газета муассиси ҳал қилади.

Қоғоз ва матбаа воситаларининг танқислиги ва қимматлашиши, алоқа бўлимлари ўз хизматлари учун оладиган ҳақни ошириши туфайли кўпгина район газеталари ҳафтасига бир мартадан чоп этиляпти. Республикадаги ҳамма вилоят халқ ноиблари кенгашларига ва вилоят матбуот бошқармаларига район радио тармоқларини тиклаш тавсия этилган.

2. Ойлик маош иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши керак.

Сиз ёзган мисолингизга кўра мухбирнинг корректура ва хатларни ўқишини ҳисобга олган ҳолда ўзбек тили саҳифасига жавоб берадиган мухбирга ойлик маош мухбир учун белгиланган маошнинг 0,5 ставкаси миқдорда белгиланган мумкин, деб ҳисоблаймиз.

3. Муаллифлик қалам ҳақи ойлик маошга қўшиб тўланмайди, у алоҳида тўланиши керак.



**“ЗЕНИТ-7” фирмали
техно-савдо маркази**

ТАВСИЯ ЭТАДИ

ЖАЖЖИ КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН:

Хар бир кичкинтой самокат ва велосипедда мазза қилиб учини орзу қилади. Уларнинг бу орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида дўконимиз бир неча турдаги самокат ва велосипедларни савдога қўйди. Шунингдек, кичкинтойлар учун бу ерда ўйинчоқлар, митти тикув машинкаси ҳамда болалар аравачаси, каравот ҳам бор.

Болалар каравоти боғчалар ва болалар муассасаларига нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ХОНАДОН БЕКАЛАРИ УЧУН:

Мева ва савзавотларни консервалашда аскотадиган асбоб ва ускуналар, това, электрқиймалагич, электрсамовар, «Фея» кир ювиш машинаси, 2 хил турдаги «Тула» газ плиталари, «Циклон» чангютгичи, пишириклар тайёрлаш учун колип, кофени кайнатиш ва ичиш учун мўлжалланган идишлар, термос каби совғалардан беҳад мамнун бўладилар.

ДАДАЖОНЛАРИМИЗ УЧУН:

Доимо хўжалик юмушлари билан банд бўлувчи оталарнинг оғирини қисман бўлсада енгиллатиш мақсадида ошпичоқ, этикдўзлик пичоғи, махсус нарвон, бинокорликда ишлатиладиган чўмич, пайвандлаш випремительларини харид этишни ҳамда пармалаш, металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳларни тавсия қилади.

Бу дастгоҳларни дўконимизга пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга олишингиз мумкин.

ОИЛА УЧУН:

«Сино» совутгичи, газета ва журнал учун хонтахта, телевизор учун айланма таглик, козонлар, гултувак турадиган осма тахталар, электрон сигнал қурилмаси, турли хил ёритгичларни сотиб олишингиз мумкин.

АВТОМОТОҲАВАСҚОРЛАР УЧУН:

Автоприцеп, «Восход» мотоцикли, мотоколяска, «Восход», «Юпитер» мотоцикллари ҳамда «Муравей» моторёллари учун эхтиёт қисмлари «Восход» двигатели, автомобил ўриндиқлари устига солиб қўйиладиган юмшоқ шолча, «ГАЗ-24» енгил автомашинасининг олдинги ўнг ва чап қанотлари, «Москвич» автомашинаси учун шовқин пасайтиргичлар комплекти, тяга, сцепление қурилмаси, радиатор ва иситгич мавжуд.

ДАЛА-ХОВЛИ СОҲИБЛАРИ УЧУН:

Культиватор, мотокультиватор, дори пуркагичлар тавсия этилади.

ФОТОҲАВАСҚОРЛАР УЧУН:

«Эликон» фотоаппарати, фотообъектив, фотоконструкторлар, фотосурат чиқариш учун зарур ашёлар, тасвирни катталаштириш қурилмаси, диапроектор ва кинопроекторларни доимо дўконимиздан топишингиз мумкин.

СПОРТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмонан бақувват бўлишларида дўконимизда сотилаётган харилар, чамбарак, уқалаш воситалари, велопринтерлар, спорт-ўйин тўплами ва бошқа анжомлар кўмакдош бўлади.

Бундан ташқари дўконимизда тикув, тўкув, кир ювиш машинкалари, чанг ютгичларни, совутгичлар, фотоаппаратлар кафолатли ҳамда пуллик ремонт қилинади. Харид қилинган маҳсулотларни харидор хоҳишига биноан уйларига элтиб берилади.

Дўконимиздаги барча маҳсулотлар биржа ёхуд савдо уйлари орқали эмас балки бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридан олиб келинади. Шу сабабли ҳам уларнинг нархи баъзи савдо шахобчаларидагига нисбатан арзон.

ДЎКОНИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Иш соатларимиз: соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 10-уй. Метронинг «Ойбек» бекати.

Октябрь бозори, метронинг «Чор-су» бекати.

ХАЙРИЯГА МУҲТОЖМИЗ

Шах михондаги кўзи ожизлар бошланғич ташкилотига бирлашган 300 нафар киши, ҳеч қандай шароити йўқ бинода шолча тўқиш билан шуғулланоқда. Бу ҳол албатта ишчи-хизматчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Биз кўзи ожизлар шароитини яхшилаш масаласини бир неча бор қўйганимиздан сўнг Шахрихон район ҳокимияти янги бино қурилиши учун жой ажратди.

«Планета» ўзбек-латвия қўшма корхонасининг саховати туфайли теъдда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Лекин маблағнинг етишмовчилиги туфайли қурилиш ишларини давом эттиришнинг имкони бўлмади.

Шу муносабат билан биз барча корхона, ташкилот, муассаса, фирма, қонцерн жамоаларига, ҳиммати баланд, сахий фуқароларга мурожаат этиб хайрия йўли билан қурилишни давом эттиришга ҳисса қўшишга даъват этмоқчимиз. Бу билан сиз ночор аҳволда қолган кўзи ожизларга катта мадад берган, чўккан кўнгилларни кўтарган бўлар эдингиз.

Савобли ишга қўл урмоққа бел боғлаган ҳимматли юртдошларимизга ўз ҳисоб варақамизни маълум қилиб қўймоқчимиз:

Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамияти Андижон вилояти Шахрихон шаҳар ташкилоти, Шахрихон АПБ № 000700484, МФО 170312403.

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ, АЗИЗЛАР!

Ш. НУРИДДИНОВ,
республика кўзи ожизлар жамияти Шахрихон шаҳар
бошланғич ташкилотининг раиси.



КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК КОРХОНА, ШИРКАТЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ишонч» ҳафталик газетасида ўз эълонлари ёки тижоратларини чоп этмоқчи бўлганлар ҳар куни соат 15 дан 18 гача «Правда Востока» кўча 24 уй-5 қават, 66-хонада жойлашган «Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Корхона ва муассаса, ташкилот ва ширкатларни кафолатли хатлар билан, шахсий эълон берувчиларни эса паспортлари билан келишларини сўраймиз.

Улар диққатига тижорат ва эълонларнинг бир квадрат сантиметр жой учун
Ички бетларда босилса — 13 сўм 50 тийин;
Сўнгги саҳифада — 15 сўм 00 тийин;
Шахсий эълонларга — 10 сўм 50 тийин;
Таъзияномалар учун эса — 15 сўм 00 тийин маблағ тўлашларини эслатиб ўтишни маъқул кўрдик.

«Ишонч» газетаси
тижорат, ҳамкорлик ва
тадбиркорлик бўлими.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли дадамиз, бобомиз АБДУЛАҲАД ЭРГАШЕВнинг қутлуғ 60 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этиб, падари бузрукворимизга соғлиқ-саломатлик, ишларида омад тилаймиз. Умрингиз янада узоқ, ризқингиз фароғ бўлсин.

Рафиқангиз, фарзандларингиз ва набираларингиз.

Қуриладиган жомъе масжиди учун тажрибали гишт терувчи керак. Иш ҳақи шартнома асосида.

Маълумотлар учун қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳар. А. Икромов райони Нашриёт кўчаси 80-уй, тел: 47-46-47



МАБЛАҒ КЕРАКМИ? МУАММО ЙЎҚ!

УНИ СИЗГА

50 000 СЎМЛИК


1000 СЎМЛИК

100 000 СЎМЛИК

10000 СЎМЛИК

АКЦИЯЛАРИ

КЕЛТИРАДИ



«Ўзбек Савдо Уйи»

экспорт-импорт LTD фирмаси

НОМИНГИЗ ЕЗИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛИ

АКЦИЯЛАР
ўртача қиймати
1000 сўм

Акцияларни ташкилотлар ва алоҳида шахслар сотиб олиш мумкин.

АКЦИЯЛАР ЭГАЛАРИГА

Молиявий йил якунларига кўра курс бўйича 20 фоиз устама ҳақ тўланади.

АКЦИЯЛАРНИ СОТИШ, ОЛИБ СОТИШ ВА ЎЗГАЛАР ИХТИЕРИГА ЎТКАЗИШ

«Ўзбек Савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фақат фирма рўйхатидан ўтказилиб амалга оширилади.

АКЦИЯЛАР ПУЛИНИ ҚАЙТАРИШ:

Акциялар сотиб олинганидан кейин бир йил ўтгач, акция эгаси унинг пулини ва курс бўйича 20 фоиз устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

АКЦИЯЛАРГА ОБУНА БЎЛИШ

опция шартномаси тузиш йўли билан амалга оширилади. 1 эмиссия амал қиладиган муддат тугаганидан сўнг, ўз муддатида пули қайтарилмаган, «Ўзбек Савдо Уйи» эълон қилган акциялар ўз-ўзидан имтиёзли облигациялар тоифасига ўтади ва улар учун йилига 20 фоиз фойда тўланади.

Акциялар истагига ва «Ўзбек Савдо Уйи»нинг таклифига

НОМИНГИЗ ЕЗИЛАДИГАН ОДДИЙ
акциялар
ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ:
50 000 сўм
100 000 сўм

Акцияларни ташкилотлар ва алоҳида шахслар сотиб олиши мумкин.

АКЦИЯЛАР ЭГАЛАРИГА

молиявий йил якунига кўра кўрилган фойданинг бир қисмини дивиденд сифатида олиш ҳуқуқи берилади.

100 000 сўмлик битта акция битта овоз ҳуқуқини беради.

50 000 сўмлик иккита акция битта овоз ҳуқуқини беради.

Акцияларни сотиш, сотиб олиш ва ўзгалар ихтиёрига ўтказиш фақат «Ўзбек Савдо Уйи»нинг розилиги билан ва фирма рўйхатидан ўтказилиб амалга оширилади.

АКЦИЯЛАР ПУЛИНИ ҚАЙТАРИШ:

акциялар сотиб олинганидан кейин бир йил ўтгач, акция эгаси унинг пулини ва дивидендни олиш ҳуқуқига эга.

ЭГАСИНИНГ НОМИ ЕЗИЛМАЙДИГАН
ОДДИЙ АКЦИЯЛАР

Ўртача қиймати:
10 000 сўм

Акцияларни ташкилотлар ва алоҳида шахслар сотиб олиши мумкин.

АКЦИЯЛАР ЭГАЛАРИГА

молиявий йил якунига кўра дивиденд олиш ҳуқуқи берилади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ва ўзгалар ихтиёрига ўтказиш «Ўзбек Савдо Уйи» фирмасининг розилигисиз амалга оширилади.


АКЦИЯЛАР ПУЛИНИ ҚАЙТАРИШ:

Акциялар сотиб олинганидан кейин бир йил ўтгач, акция эгаси унинг пулини ва дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

кўра акциялар қиймати сўм билан ёки мол билан қайтарилиши мумкин.

АКЦИЯЛАРНИ СОТИШ

билан Ўзбекистон саноат-қурилиш банки бўлимлари, матбуот тарқатиш бошқармаси ҳамда «Ўзбек Савдо Уйи» тарқатувчилари шугулланади.



ДУШАҢБА

УзТВ I
18.00 Янгилар. 18.10 «Энг митти гном».

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

ОРБИТА IV
17.00 Янгилар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби.

ДУБЛЬ IV
16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

СЕШАҢБА

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

ОРБИТА IV
5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби.

студияси таништиради. 18.35 «Сухово-Кобилин иши».

ДУБЛЬ IV
7.00 Хабарлар. 7.20 Француз тили.

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЧОРШАҢБА

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

ОРБИТА IV
5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
17.00 Янгилар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби.

тингизда. 8.05 Немис тили. 8.35 Петербург афсонаси.

ПАЙШАҢБА

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

ОРБИТА IV
5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
17.00 Янгилар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби.

16.45 Криминал хабарлар. 17.00 Хабарлар.

ЖУМА

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ОРБИТА IV»
5.00 «Тонг».

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

«Калит» кўрсатуви. 22.30 «Тилла шпора».

ШАҢБА

УзТВ I
8.00 «Ассалому алайкум».

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

визион бадний фильм премьераси. 2-серия. 22.20 «Европа плюс».

ЯКШАҢБА

УзТВ I
8.00 «Туркистон» ахбороти.

УзТВ II
БЕШКЕК КЎРСАТАДИ

ОРБИТА IV
6.00 «Рухни чиқариш».

УзТВ I
7.00 Хабарлар. 7.25 «Детектив ленд».

Узбекистон Телевидениесининг «Дўстлик» Видеоканали

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари ходимлари касоба уюшмаси

АЗИЗ ХОЖИ ўгли АЛИМ ХОЖИНИНГ вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Марк Твендан сўрабдилар:
— Қанча пулингиз бор?
— Қариндошларимнинг ҳамени-
да қанча бўлса, ўшанча, — деб
жавоб берган экан адиб.
Уша аҳвол ҳали ҳам давом этап-
ти. Менга ҳам баъзи қариндош-
ларим гоҳ-гоҳ шунақа савол бериб

пилган қалам ҳақининг асосий қис-
мини давлатга, болалар муассаса-
ларига ўтказиб тураман.
— Қанча пул ўтказдингиз дав-
латга? — деб сўради.
Нима деркин деб ёлғон ишлат-
дим (бир куйдирай дедим-да, пул-
парастни):

Ленинграддаги Салтиков-Шед-
рин номли кутубхонадан хат кел-
ган эди. Унда мenden «Қалб нури»
деган китобимни юборишимни сў-
ралган бўлиб, «Бу АҚШнинг буюрт-
маси», дейилган эди. Уша хатни
ҳалиги қариндошимга кўрсатдим.
— Ия, Америка китобингизни
нега сўрабди? — деди у.

Яна ёлғон ишлатдим:
— Таржима қилиб, босишади.
— Америка тилига перевод бў-
ладими?

— Йўқ, инглиз тилига.
— Кейин доллар юборишади-
ми?

— Ҳа, доллар юборишади-ю,
уни ўзимизнинг пулга алмаштириб
беришади.

— Қанча пул беришаркин?

— Катта пул берадию мен улар-
га битта «Форд» машинасидан
юборинглар, менга машинадан
ортган пул ҳам етади, деб хат ёзиб
юбордим.

— Мана бу ишингизга қойил-
ман! — деди қариндошим. — Ма-
шинангиз келса, уни ўзим камида
юз минг сўмга сотиб бераман.

— Сотмайман, — дедим мен. —
Уни бирорта етимхонага совға
қиламан.

Қариндошимнинг яна фиғони
фалакка чиқди.

Мана шунақа, дўстларим. Биз
ҳаммамиз ҳам Марк Твеннинг
аҳволидамиз.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.



(Қийқим хангома)

туришади. Масалан, қариб тавба
қилмаган собиқ таксичи қариндо-
шим бор. Бир кун такси ҳайдаса,
иккинчи кунни ўзининг хусусий аро-
басида кира қиларди, «пул менинг
жоним», дерди. Қачон учрашиб
қолсак пулдан гап очади. Пулим
йўқ десам, ишонмайди. Бир гал яна
савол бериб қолди:

— Қанча пулингиз бор?
— Мен пул тутмайман, ука, —
деб жавоб қилдим. — Ишлаб то-

— Ҳозиргача ҳаммаси бўлиб
тўрт юз минг сўм ўтказдим.

— Эсингиз жойидами?! — деб
бақирди у. — Ахир ўшандан беш
мингини менга берсангиз, нима қи-
ларди? Участкам чала ётибди.

Чала дегани битай деб турган
шоҳона сарой эдики, унақасини
мен етти ухлаб тушимда ҳам тик-
лай олмас эдим. Яна бу унинг ик-
кинчи шоҳона саройи эди. Бир
кунни уни лақиллатдим.

МИТТИ ХАЖВЛАР

КАБУЛХОНАДА

— Ҳузурхон акамларга-
ми? У киши чоршанба кунни
қабул қиладилар. Навбатга
ёзилиб қўйинг.

— Мен унинг отасиман.
— Ие, шунақами? Ундай
бўлса, ўша кунни навбатсиз
киритиб юбораман.

ИҚРОР

— Тўполонни қара! Ит
эгасини танимади-я!
— Тўғри айтасан, сен ҳам
мени танимадинг-а?!

УРГАНГАН ҚУНГИЛ

— Юртимизда бюрократ-
лар камайиб кетяпти, уларни
«Қизил китоб»га киритсакми-
кин, — дейишди бошлиққа.
— Эртага келинлар, мас-
лаҳатлашиб кўрамиз, — де-
ди у.

АРИЗА

«Турмуш шароитим ни-
ҳоятда оғирлигини ҳисобга
олиб, яқинда сотиб олган ма-
шинамга гараж қуриш учун
касаба уюшмаси қўмитаси
ҳисобидан моддий ёрдам бе-
ришингизни сўрайман».

ТАН БЕРМАДИ

— Тежамкорлигимга
қойил қолдингизми, дадаси.
Эски кўйлагимдан сизга гал-
стук тикиб қўйдим-а.

— Э, э, мутлақо қойил
эмасман. Тежамкорлигингга
қачон тан беришим мумкин-
лигини айтайми?

— Қани...
— Менинг эски галстугим-
дан ўзингга кўйлак тикиб
олганингда.

МЕҲМОН

— Зиёфатга фермадан ке-
ладиганларнинг рўйхатини
ўқичи.

— Мудир, зоотехник, эл-
ликта товук, битта бузоқ,
сўйилган қўйнинг сони.

Ҳабиб СИДДИҚ,
Андижон вилояти.

Рўзи«гор»да гўё атайин,
Ҳамма нарса тугаган замон,
Ишдан шошиб келар хўжайин:
— Меҳмон олиб келдим, хотинжон!
— Вой, айланай сиздан, дадаси,
Писта-майиз қолмовди тақир.
— Бир гап бўлар энди, аяси,
Киролмадим бозорга, ахир,
Хуллас, уйга киргандан меҳмон,
Юраклардан ёздиқ дастурхон.
— Қани, меҳмон, меҳрдан олинг,
Кўзимизнинг косасида ул.
Оғзингизга кулгудан солинг,
Бугдой сўзли тиллар сизга қул.
Кўшиқларнинг ажойиб таъми,
Тотинг, ох-воҳ сўзлари майин,



БЎЛГАН ВОҚЕА

Кўшни жамоа хўжалиги раисининг
ойнаи жаҳонда чиққини Сотиболдиевнинг
таъбини тиррик қилиб юборди. Ҳатто
прожектор ёқилса-да, кўнгли шағамча
ёрмайдиган бир ҳолатда ўтирган эди,
ўринбосари Фармонов тавозе билан кириб
келди:

— Ассалому алайку-ум, ака, яхши ётиб
турдингизми?

— Яхшиман!.. Ке...
— Ўзим шундай... Одилжонов кеча теле-
визорни тоза гуллатдимми-а?

Бу гап чипқон устига тепкидек Сотибол-
диевнинг аъзою баданини зиркиратиб
юборди: Бошлиғининг нафас олишидан
дардини англайдиган Фармонов ноҳўя
гап айтганидан пушаймон бўлиб хондан
секин сирғалаб чиқиб кетди.

Бригада бошлиқлари кечки салом-нар-
ядга тўпланишганда ҳам раиснинг дили
хуфтон эди.


— Бугундан бошлаб, — деди раис ково-
гидан қор ёғиб, — бамисоли экранда гапи-
раётгандекман. Экрандаги одам билан
гаплашиб бўлмаганидек, менга ҳам савол
бермайсизлар, лужма ташламайсизлар.
Фақат сўзларимни эшитиб, чиқиб кета-
верасизлар.

Бу гапдан бригада бошлиқлари ҳеч
нарса тушунишмади. Фақат Фармоновгина
ташқарига чиққач, мийингида кулиб қўй-
ди...

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.



Юракларга тугилиб жаъми
Фарғонадан келган атайин,
Қани, меҳмон, шеър деган шароб,
Жигарлардан чиққан сузилиб,
Тотиб кўринг ҳар қултими соф,
Юраклардан тушган узилиб,
Чехраимизда хандалар ҳай-ҳай!
Чиқинг, кутманг таклифимизни.
Киш фаслида бир кучоқ гул деб
Қабул қилдик ташрифингизни.
Марҳабо МАМАДАЛИЕВА



Сўзсиз сурат.

Бош муҳаррир

Тўлкин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар
АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ
(масъул котиб), Муҳаммадлатиф
ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ
(бош муҳаррир муовини), Ша-
рифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё
ТўЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖА-
ЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун
ҚУШАЕВ, Дилбар ГҮЛОМОВА.



● Бош муҳаррир қабулхо-
наси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовин-
лари — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иқти-
содий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонун-
чилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва
табиат — 56-82-79

● Хатлар ва оммавий иш-
лар — 56-87-78

● Безатиш ва сураткаш-
лик — 56-87-74

● Тижорат, ҳамкорлик ва
тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжа-
лик ишлари — 56-85-79

● Мухарририятга келган қўл-
ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан
ошмаслиги лозим) ва суратлар
муаллифларга қайтарилмайди,
фойдаланилмаган хатларга жа-
воб юборилмайди. Мақолалар-
даги фикр-мулоҳазалар, келти-
рилган факт ва рақамлар масъу-
лияти муаллифлар зиммасида-
дир.



Сотувдаги нархи 2 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқа-
ди.

● Босиш учун 1992 йил 10 ап-
релда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Жасур Носиров
Шавкат Қулибоев

● ҚўНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда
Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-98

● 139.680 нусхада босилди.

● Ўзбекистон Республикаси
«Шарк» нашриёти-матбаачилик
концернининг босмаҳонаси. Тош-
кент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12